

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ФАРГОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

**FarDU.
ILMIY
XABARLAR-**

1995 йилдан нашр этилади
Йилда 6 марта чиқади

2-2020

**НАУЧНЫЙ
ВЕСТНИК.
ФерГУ**

Издаётся с 1995 года
Выходит 6 раз в год

Ш.Норов

Ўзбекистонда ёшларга оид давлат сиёсати қонунчилигининг тарихий шаклланиши..... 79

К.ТошовИккинчи жаҳон уруши йилларида сурхон воҳаси меҳнаткашларининг фронт
ортидаги фаолияти 84**Г.Эгамбердиева**Ўзбекистонда туризм соҳасини ислоҳ қилиш босқичлари (XX асрнинг иккинчи
ярми – XXI асрнинг биринчи чораги) 89**И.Гуломов**1926 йили Ўзбекистон ССР аҳолисини рўйхатга олиш тадбирининг яқунлари
айрим рақамларда 94

АДАБИЁТШУНОСЛИК**О.Туйчиева**

«Жавоҳир ул-ажойиб» аёлларга аталган илк тазира сифатида 99

З.Яхшиева

Тетралогияда тарихий ҳақиқат ва пафоснинг уйғунлиги 103

Ф.Икромхонова

АҚШ адабиётида тарихий асарнинг шаклланиши 107

О.Дадажонов

Жадид драмасида таълим-тарбия масаласи ва қаҳрамон талқини 111

ТИЛШУНОСЛИК**С.Хашимова**

Хитой тилида редупликатив феълларнинг маъноси ва қўлланилиш хусусиятлари 114

О.БегимовЖанубий Ўзбекистон орообъектларининг номланишида диний тушунча ва
тасаввурларнинг мотивланиши 119**З.Акбарова**

Оlam лисоний манзарасига доир қарашлар таҳлили 124

Г.ҲакимоваИнглиз ва ўзбек тилларидаги зоонимик компонентли фразеологик бирликларнинг
семантик таҳлили ва уларнинг миллний-маданий хусусиятлари 129**У.Раҳмонов**

Инглиз тилида ҳақоратни ифодаловчи эмоционал сўзлар таҳлили 133

А.Уралов

Морфемалар тизимида аффиксоидлар масаласи 138

ПЕДАГОГИКА, ПСИХОЛОГИЯ**Л.Аҳмедова**Олий таълим жараёнида инглиз тилини ўқитишда ўйин методлари: назария ва
амалиёт 143**С.Сидиков, Г.Сидикова, А.Қосимов**Кичик ёшдаги мактаб ўқувчиларининг моторли хусусиятларини ривожлантиришда
акцентланган дарсларининг самарадорлиги 150

ИЛМИЙ АХБОРОТ**Г.Тиллабаева**

Юкланган Бернулли тенгламаси учун интеграл шартли масала 155

О.АхмаджоноваБессел-Клифффорд функцияларининг баъзи умумлашмалари ва уларнинг
хоссалари 160**К.Ражапов, И.Хомидов**Муаммоли геометрик масалаларни алгебраик тенгламалардан фойдаланиб
ешиш 163

УДК:314.18:94(575.1)

1926 ЙИЛИ ЎЗБЕКИСТОН ССР АҲОЛИСИНИ РЎЙХАТГА ОЛИШ ТАДБИРИНИНГ
ЯКУНЛАРИ АЙРИМ РАҚАМЛАРДА

ИТОГИ ПЕРЕПИСИ НАСЕЛЕНИЯ УЗБЕКСКОЙ ССР 1926 ГОДА В НЕКОТОРЫХ ЦИФРАХ

THE RESULTS OF THE POPULATION CENSUS OF THE UZBEK SSR FOR 1926 IN SOME
FIGURES

И.Ғуломов

Аннотация

Мақолада Ўзбекистон ССРда 1926 йилда ўтказилган аҳолини рўйхатга олиш тадбирлари ёритилган. Шунингдек, мақолада аҳолини рўйхатга олиш тадбиридан Совет ҳокимияти хукмрон доира вакилларининг кўзлаган мақсадлари ҳам атрофлича ёритилган. 1926 йили ўлка ҳудудида ўтказилган аҳолини рўйхатга олиш тадбири жараённада Марказий статистика бошқармаси томонидан рўйхатга олинган аҳоли статистикаси шакллантирилганлиги ва мазкур тадбирнинг якуний натижалари вилоятлар кесимида чол этилгани бирламчи статистик манбалар асосида атрофлича таҳлил қилинган.

Аннотация

В данной статье изложены мероприятия по переписи населения, проведенной в 1926 году в Узбекской ССР. Также подробно освещены цели правящих кругов Советской власти от переписи населения. Сформулирована статистика населения, которая была зарегистрирована Центральным управлением статистики в 1926 году в ходе переписи населения края, конечные итоги данных мероприятий проанализированы на основе первичных статистических ресурсов, опубликованных областными отделами.

Annotation

In this article the affairs of population census in Uzbekistan SSR (Soviet Socialist Republic) for 1926 have been revealed. The purpose of the Soviet Union from the population census was determined. In 1926, the population of the Turkistan is registered and Central Statistical Committee formed population's statistics. The final results of the register of the population are analyzed respectively through the published main statistic sources which are regions' sections.

Таянч сўз ва иборалар: аҳолини рўйхатга олиш тадбири, аҳолини рўйхатга олиш дастури, аҳоли сони, аҳоли сони тўғрисидаги ҳисобот, аҳолининг табиий ўсиши, статистика, доимий аҳоли, аҳоли зичлиги, шаҳар, уезд, қишлоқ.

Ключевые слова и выражения: мероприятия по переписи населения, программа переписи населения, численность населения, отчет о переписи населения, естественный прирост населения, статистика, постоянное население, плотность населения, город, уезд, кишлак.

Keywords and expressions: the affairs of the population census, the program of population census, the number of population, the population report, natural growth of the population, statistics, permanent population, population density, city, district, village.

Мамлакатимиз ўз мустақиллиги йўлидан барқарор ривожланишда давом этаётган бугунги кунда республикадаги демографик жараёнлар ва уларнинг тарихини ўрганиш ҳозирда муҳим ўрин тутиши шубҳасиз. Бу борада Ўзбекистонда XX аср давомида ўтказилган аҳолини рўйхатга олиш тадбирларини тарихий нуқтаи назардан холисона ёритиш ҳамда ушбу тадбирларда йўл қўйилган бир қатор ютуқ ва камчиликлардан тўғри хуласа чиқарган ҳолда келажакда республика ҳудудида ўтказиладиган аҳолини рўйхатга олиш тадбирлари истиқболларини тадқиқ этиш бугунги кунда муҳим аҳамият касб этади. Шундай экан, ўтган асрнинг турли йилларида Туркистан ўлкасида, кейинчалик

эса Ўзбекистон ССР ҳудудида ўтказилган аҳолини рўйхатга олиш тадбирларини бирламчи манбалар асосида холисона тадқиқ этиш тарихчилар олдида турган муҳим вазифалардан бири ҳисобланади.

1926 йилги аҳолини рўйхатга олиш тадбири нима сабабдан ўтказилганлиги ва ундан кўзланган ижтимоий-иктисодий мақсадлар ва сиёсий режалар асосида совет ҳокимияти раҳнамоларининг нафақат Ўзбекистон ССР ҳудудида истиқомат қилувчи аҳоли сонини, балки бошқа миллий республикалардаги халқ хўжалигининг барча соҳаларида фаолият олиб борувчи ишчиларнинг миллий ва ижтимоий таркиби қандайлигини билиш муҳим аҳамият касб этган. Ушбу йилги тадбир олдинги йилларда ўтказилган аҳолини рўйхатга олиш

И.Ғуломов – ЎзМУ, Тарих факультети Ўзбекистон тарихи кафедраси иккинчи босқич таянч докторант.

ТАРИХ

тадбирларидан қайси жиҳатлари билан фарқ қилишини билиш ва аҳоли тўғрисидаги барча маълумотларга эга бўлиш истагидан, қолаверса, янги ташкил этилган миллий республикаларнинг иқтисодиётини олдиндан режалаштириш каби бир қатор мақсадлардан келиб чиқди.

Совет ҳокимиятининг партия ва ҳукумат раҳбарлари 1926 йилда Бутуниттифоқ аҳолисини рўйхатга олиш тадбирини ўтказиш юзасидан қарор қабул қилди [1,11]. Бу тадбир ҳам олдинги йилларда ўтказилган тадбирлар каби демографик рўйхатга олиш йўли билан ўтказилди [2,113]. Бу қарор билан 1927 йил 1 апрелигача бошқа ҳар қандай статистик ишларни бажаришни тўхтатиш белгилаб қўйилди [3,114]. Ушбу тадбирини ўтказиш бўйича чиқарилган қарор сўнгиде Совет Иттифоқи таркибига кирувчи узоқ ҳудудлари ва етиб бориш қийин бўлган аҳоли истиқомат қилувчи манзилгоҳлар учун аҳолини рўйхатга олишнинг маҳсус муддатлари ва усуллари белгилаб берилди [4,115]. Ўзбекистон ССРда аҳолини рўйхатга олиш тадбирини ўтказиш ишлари 1926 йил 17 декабря расман бошланди [5, 4]. Мазкур санадан бир кун олдин, 16 декабрь куни Ўзбекистон ССР Марказий Статистика Бошқармаси (кейинги ўринларда МСБ, деб келтирилади F.I.)нинг вилоятлардаги бўлимларида ушбу тадбир юзасидан барча рўйхатга оловчи ҳисобчилар ва статист ходимлар иштироқида йиғилиш ўтказилиб, унда аҳолига тадбир юзасидан туғилган саволларига қандай жавоблар берилиши, тадбирни белгиланган муддатларда тугатиш ва хатога йўл қўймаслик каби масалалар юзасидан бир қатор тушуниришлар берилади.

Қониқарли даражада ташкил этилган ва 1926 йили қиши фаслида бошланган мазкур аҳолини рўйхатга олиш тадбирини якуний натижалари шу вақтга қадар Россия империяси ва совет ҳокимияти ҳукмронлик йилларида ўтказилган тадбирларнинг мукаммали, дея МСБ ҳамда совет ҳокимиятининг ҳукмрон доира вакиллари томонидан таъкидланди [6,4]. Дарҳақиқат, 1926 йили ўтказилган тадбир олдинлари ўтказилган шу йўналишдаги тадбирларга нисбатан кенг ҳудудларни ўз ичига қамраб олганлиги ҳамда маълумотларнинг аниқлиги билан фарқланади. Ўзбекистон ССРда 1926 йили ўтказилиши белгиланган аҳолини

рўйхатга олиш тадбирига тайёргарлик кўриш ишлари МСБ демографик статистикиси бўлими томонидан В.Г.Михайловский раҳбарлигида олиб борилди [7, 3].

Совет даврининг турли йилларида чоп этилган адабиётлардан ҳамда мустақиллик йилларида олиб борилган илмий тадқиқот натижаларидан маълумки, 1924 йилда ўлкамиз ҳудудида ўтказилган миллий давлат чегараланиши натижасида Бухоро Ҳалқ Совет Республикаси, Хоразм Ҳалқ Совет Республикаси умумий ном остида Ўзбекистон ССР деб қайта ташкил этилди ҳамда мазкур ҳудудларда истиқомат қилган маҳаллий аҳоли вакиллари Ўзбекистон ССР фуқаролигига киритилди.

1926 йилги аҳолини рўйхатга олиш тадбирини якуний статистик натижалари чоп этилган бирламчи манбаларнинг қиёсий таҳлилига кўра, шу йили Ўзбекистон ССРда (Тожикистон АССРни қўшиб ҳисоблаганда) умумий аҳоли сони 5 274 998 нафарни [8,162], шундан шаҳар аҳолиси сони эса 1 078 645 нафарни ташкил этганлиги қайд этилади [9,8]. Шу билан биргалиқда мазкур йилги аҳолини рўйхатга олиш маълумотларида келтирилишича, маҳаллий миллат вакиллари ҳисобланган ўзбеклар аҳолининг асосий қисмини ташкил этиб, уларнинг умумий сони 3 928 000 нафарни ташкил этган, деган маълумотлар берилади [10,3]. Бундан ташқари, иқтисодчи демограф олим И.Муллажонов ўз илмий изланишлари натижасида аниқлаган маълумотларига таянган ҳолда, 1926 йилда Ўзбекистон ССРда туб жойли аҳоли 4 054 696 нафар бўлганини [11,33], ўлканинг бошқа бир ҳудудидан бошқа бир ҳудудга вақтинча кўчиб келиб яшовчи туб жойли аҳоли эса 1068 минг нафарни ташкил этганлигини таъкидлайди. Бу даврга келиб Тожикистон АССРда яшовчи жами аҳоли сони эса 771 365 нафарни ташкил этганлиги таъкидланган. Олим мазкур йили Ўзбекистон ССР ҳудудида жами аҳоли сони 5 272 801 нафарни ташкил этган, деган хulosани беради [12,35]. Албатта, бу рақамлар тахминий ҳисоб-китоблар асосида берилгани муаллиф томонидан таъкидланади. Яна бир тадқиқотчи олим И.Файзиев ўз тадқиқотларига таяниб, мазкур йилларда республикада 27 та шаҳар ва 19 та шаҳар типидаги посёлка бўлганлигини ҳамда уларда қишлоқларга нисбатан жуда кам аҳоли истиқомат қилишини таъкидлаб

ўтади [13,7]. Тадқиқотчи шаҳар ва шаҳарча типидаги аҳоли жойларида истиқомат қилувчи аҳоли сонига қараб ушбу ҳудудларни катта ва кичик шаҳарларга бўлинганлигини таъкидлайди. Эътиборлиси, тадқиқотчи мазкур йили ўтказилган тадбирлардан кўзланган асосий мақсадлардан бири – бу, аҳолидан йиғиладиган солиқларнинг оширилишига ҳамда янги солиқларнинг жорий этилишига қаратилган эди, деб изоҳлайди.

1926 йилда ўтказилган аҳолини рўйхатга олиш тадбирлари асосида тўпланган маълумотлар натижасида Ўзбекистон ССР аҳолисининг умумий сони, жинси, тили, дини, миллий таркиби, қўшни республикалар билан миграцион алоқаси, ижтимоий аҳволи, тирикчилик манбаи, мавжуд ишчи кучи сони, ишсизлар сони, бўш ва унумдор ерлар ҳисоби ва шу каби масалаларни аниқлаш учун ўказилди. Ушбу тадбир асосида аниқ статистик маълумотлар тайёрлаб, кейинги йилларда жорий этилиши кўзда тутилган режаларга тайёргарлик кўриш ҳамда ҳудудлардаги ишларни тақсимлашдан иборат бўлган бир қатор вазифалар келгуси йилларда амалга ошириб борилди. Тадбир якунида аниқлаган натижалар асосида олинган маълумотлар биринчи беш йиллик режа лойиҳасини (асосан ҳудудлардаги иқтисодиётни олдиндан режалаштириш) тузиш жараёнида кенг миқёсда ишлатилиб келинди [14,5]. Шу ўринда яна бир муҳим нарсани таъкидлаш ўринлики, 1926 йили ўтказилган навбатдаги тадбир натижасида Марказий Осиё республикаларида яшаган умумий аҳолининг 48,5 фоизи Ўзбекистон ССР ҳудудида истиқомат қилиши аниқланди [15,16].

Бу даврда Ўзбекистондаги ўткир иқтисодий ва ижтимоий муаммолардан бири ишсизлик муаммоси ҳисобланган. 1926 йил 28 сентябрдаги расмий маълумотларга қараганда, Тошкент ва Андижондаги кичик ва тор ётоқхоналар ишсизлар билан доимо тўла бўлган [16, 19]. Аҳолини рўйхатга олиш тадбири тўғрисида маълумотлар келтирилган архив ҳужжатларида мазкур йиллари қишлоқ жойларидаги маҳаллий аҳоли вакилларининг аксарияти (асосан эркаклар) кунлик ёлланиб дўйонлардаги ишлаб чиқариш устахоналарида ишлаганликлари келтирилади [17,22]. Мазкур келтириб ўтилган маълумотларни

аҳолини рўйхатга олиш тадбирининг якуний натижалари чоп этилган бирламчи статистик манбалар ҳам тасдиқлайди.

1926 йилги тадбир натижалари чоп этилган манбаларда республикадаги шарқий славян (рус, украин, белорус) ҳалқлари вакилларининг сони йилдан-йилга ортиб борганилиги йиллар кесимида келтирилади. Хусусан, 1907 йилда биргина Фарғона водийсида яшаётган шарқий славянларнинг умумий сони 24 346 нафарни ташкил этган бўлса, 1926 йилга келиб эса ҳозирги Андижон, Фарғона ва Наманган ҳудудларида истиқомат қилувчи русларнинг умумий сони 42 438 нафарга teng бўлганлиги келтирилади [18,217]. Ўзбекистан ССРда 1926 йилги аҳолини рўйхатга олиш тадбири жараёнида рўйхатга олувчи ҳисобчилар томонидан аниқланган маълумотларни МСБ статистлари таҳлил этиши натижасида республикада 10 та округ, 87 та район, 1 720 та қишлоқ советлари борлиги келтириб ўтилади [19,16].

Бу даврда аҳоли сонининг нисбатан паст суръатлар билан ўсишини XX асрнинг 20-30 йилларида ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий вазиятнинг мураккаблашуви, унинг демографик жараёнларга салбий таъсир кўрсатиши билан изоҳлаш мумкин. Айнан шу даврда бой, босмачи, деб минг-минглаб маҳаллий аҳоли ўлдирилди, кўплаб кишилар она юртларини тарк этиб, чет элларга кетишга мажбур бўлдилар. Бу даврда айниқса маҳаллий зиёлилар катта талафот кўрдилар. Бу ҳам қайсиdir маънода мазкур тадбир натижасида аниқланган маҳаллий аҳолининг зиёли қатлами сонини аниқ билган ҳолда уларни тобора турли уйдирма баҳоналар билан йўқ қилинишини келтириб чиқарди.

Мазкур йилга оид бирламчи ҳисобланган манбаларда келтирилишича, аксарият жойларда 1921-1925 йиллар давомида аҳоли қўлидаги меҳнат дафтарчалари шахсни тасдиқловчи ҳужжат вазифасини ўтаган [20, 111]. 1925 йилда эса «шахарлар ҳудудида яшовчи аҳолини рўйхатга олиш» тўғрисидаги декретда илк бор прописка тушунчаси ва атамаси расман муомалага киритилди, дея таъкидланади [21,17]. Фикримча, Ўзбекистон ССР ҳудудида истиқомат қилувчи аксарият аҳолининг қўлида мазкур йилларда шахсни тасдиқловчи ҳужжат бўлмаган ва буни

ТАРИХ

айниқса қишлоқ ҳудудларида истиқомат қилувчи маҳаллий аҳоли орасида яққол күриш мүмкін. 1932 йилда СССР ҳудудида ягона паспорт тизими йўлга қўйила бошланганидан кейин прописка (доимий рўйхат тушунчаси) талаби қатъйлашди. Ҳали кўпчилик паспорт олмаган бир пайтда қишлоқ аҳолиси шаҳарга бориб келиш учун ҳам қишлоқ советидан (сельсовет) ёзма рухсат олиши керак эди [22,19]. Ваҳоланки, Совет Иттифоқи ўзи танқид қилган империалистик режимнинг крепостнойлик ҳуқуқини янгича шаклда йўлга қўйганди.

1926 йилги аҳолини рўйхатга олиш тадбирининг якуний натижаларига кўра, Ўзбекистон ССРда хотин-қизларнинг иш билан бандлик даражаси сезиларли равишда ошганлигини кўриш мүмкін. Шу йилги тадбирининг якуний маълумотларида келтирилишича, иш билан банд (асосан дехқончилик) бўлган хотин-қизларнинг 60 фоизи қишлоқларда, атиги 20 фоизи эса шаҳарларда истиқомат қилган [23,9]. 1926 йилда хотин-қизлар янгида янги курилаётган завод-фабрикаларда ишловчи ишчилар ва хизматчиларнинг тўртдан бир қисмини ҳам ташкил этмаган. Буни аниқ рақамлар билан келтириб ўтадиган бўлсак, 1922 йилда Ўзбекистон ҳудудида хотин-қизлардан 13 минг нафар ишчи ва хизматчи бўлган бўлса, бу кўрсаткич 1926 йилга келиб 23 минг нафарга етганини кўриш мүмкін [24, 11].

1917-1926 йиллар мобайнида Ўзбекистон ССР аҳолиси яна 326 минг кишига ёки 7,5 фоизга кўпайган. 1926 йили ўтказилган аҳолини рўйхатга олиш тадбирининг якуний статистик маълумотлари чоп этилган тўпламларда келтирилишича, яҳудийлар, қозоқлар, қорақалпоқлар, қипчоқлар, қирғизлар, қурамалар, эронликлар, тоҷиклар, туркманлар, турклар, ўзбеклар, уйғурлар ва бошқа миллат вакилларидан иборат аҳоли

“маҳаллий аҳоли” ёки “туб жой аҳоли” гуруҳига бирлаштирилган [25,28]. Бу эса, ўз навбатида, рўйхатга олинган аҳолининг статистикасини шакллантиришда статист ходимларга бир қатор қулайликлар яратган бўлиши табиий.

1917, 1920 ва 1926 йилларда ўтказилган шу йўналишдаги тадбирлар даврида маҳаллий аҳолининг аксарият қисми деярли оч-наҳор кун кечирав, бутун ўлкада ишсизлик давом этар, шунинг учун ҳам кўпчилик аҳоли айни вақтда қўшимча бир неча машғулот билан шуғулланишга мажбур бўлганлиги келтирилади [26,32]. 1926 йили Ўзбекистон ССРда истиқомат қилувчи аҳолининг 91,4 фоизи туб жойли аҳоли ва қолган 8,6 фоизини эса бошқа ерлардан кўчиб келган аҳоли ташкил этган. Яна шу нарса ҳам этиборга моликки, Ўзбекистон ССР ҳудудига бошқа ерлардан кўчиб келган аҳолининг 78 % и 1916 йилгача, қолган 22 % и эса 1916 йилдан кейинги давр ичидан кўчиб келган аҳолидир. Ўзбекистон ССР ҳудудида истиқомат қилувчи турли миллат ва элатларга мансуб аҳолининг кўпайиши асосан миграцион алоқа натижаси эканлигини қайд қилиб ўтиш зарур. Мазкур йилларда ўлка ҳудудида табиий туғилиши дарражаси унчалик ҳам юқори бўлмаган.

1926 йилги аҳолини рўйхатга олиш тадбири маълумотларининг таҳлили натижасида шу нарса аниқландик, Ўзбекистон ССРда ҳар хил турдаги ишларни бажариш учун Фарғона, Самарқанд, Тошкент ҳудудларидағи аҳоли зич ҳудудларидан ўлканинг ҳали ўзлаштирилмаган янги ҳудудларга 3 630 та маҳаллий хўжалик мажбурий кўчирилган [27,11].

1926 йилда Ўзбекистон ССРда умумий хисобда 10 394 та аҳоли истиқомат қилувчи манзилгоҳ борлиги қайд этилиб, мазкур аҳоли истиқомат қилувчи жойлар шаҳар ва қишлоқлар ҳамда вилоятлар кесимида қўйидагича тақсимланган [28, 3-4]:

Ҳудудлар (округ)	Жами		Шаҳар аҳолиси		Қишлоқ аҳолиси	
	Аҳоли пунктлари сони	Умумий аҳоли сони	Аҳоли пунктлари сони	Умумий аҳоли сони	Аҳоли пунктлари сони	Умумий аҳоли сони
Андижон	840	794 519	5	182 769	835	611 750
Фарғона	997	674 306	7	158 513	990	515 793
Самарқанд	1 494	526 908	3	132 502	1 491	394 406
Тошкент	858	674 219	5	340 874	853	333 345
Бухоро	1 429	391 528	3	60 996	1 426	330 532
Зарафшон	1 120	277 991	5	34 285	1 115	243 706
Қашқадарё	1 241	343 663	5	39 160	1 236	304 503

Сурхондарё	597	202 657	3	16 541	594	186 116
Хўжанд	209	207 960	5	67 323	204	140 637
Хоразм	1 418	314 159	4	29 325	1 414	284 834
Конимех райони	133	22 692	-	-	133	22 692
Исфара райони	58	16 953	-	-	58	16 953
Ўзбекистон ССР бўйича умумий	10 394	4447555	45	1 06228 8	10 349	3 385 267

Мазкур жадвалда вилоятлар ва аҳоли манзилгоҳлари кесимида келтириб ўтилган аҳоли сони юқорида келтириб ўтилган 1926 йилги тадбир сўнгидаги умумий аҳоли сони кўрсатилган бирламчи статистик манбадан бироз фарқ қиласди. Сабаби, ушбу келтириб ўтилган жадвалдаги рақамларда аҳоли сони бироз камчиликни ташкил этади. Бу йилги тадбирнинг якуний натижаларида келтирилган рақамларда ва кўплаб архив ҳужжатларида аҳоли сони тўғрисида турлича рақамлар учрайдики, мазкур келтириб ўтилган рақамларни қиёсий таҳлил қилишни ва яқдил илмий хулоса беришни талаб қиласди. Шу сабабли ҳам мазкур йилги тадбир натижалари чоп этилган бирламчи статистик тўпламларда келтирилган рақамларни ҳақиқатга яқинроқ, деб айтишимиз мумкин.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш жоизки, Ўзбекистонда ўтказилган аҳолини рўйхатга олиш тадбирларини тарихий

жиҳатдан ёритиш ва мазкур тадбирлардан кўзланган ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий мақсадларни қиёсий таҳлил этиш ҳамда мазкур тадбирларнинг ўтказилиш тарихини кенг миқёсда ёритиш бугунги кунда тарихчилар олдида турган долзарб мавзулардан биридир, десак ўринли бўлади. Респубубликамиз ҳудудида бугунги кунга қадар расман ўтказилган аҳолини рўйхатга олиш тадбирларининг якуний натижаларини мазкур даврга оид бирламчи манбалар ҳамда архив маълумотлари асосида қиёсий таҳлил этиш ва мазкур ўрганилган мавзу юзасидан илмий хулосалар ва таклиф ҳамда тавсияларни бериш мақсадга мувофиқдир. Мазкур тадқиқотдан олинган натижалар асосида берилган илмий хулосалар Ўзбекистонда яқин йилларда ўтказилиши белгиланган аҳолини рўйхатга олиш тадбирларини ташкил этиш ва ўтказишка илмий асос бўлиб хизмат қиласди.

Адабиётлар:

1. Воробьев Н. Всесоюзная перепись населения 1926 года. Редакционно-издательское управление В/О “СОЮЗОРГУЧЕТ”. – М., 1938 г.
2. Пустоход П.И., Воблий В.К. Переписи населения. – М.: Государственное социально-экономическое издательство. 1936 г.
3. Всесоюзная перепись населения 1926 года. Том XV. Узбекская ССР. – М.: Издания ЦСУ Союза ССР. 1928 г.
4. Ўз МА. фонд, Р-86, 1-рўйхат, 4507-йигма жилд.
5. Материалы по районированию Узбекистана. Выпуск I, Краткая характеристика проектируемых округов и районов. Самарканд. Узбекистан. 1926 г.
6. Ўз МА, фонд, Р 1619, 11-рўйхат, 53-йигма жилд.
7. Мулладжанов И.Р Население Узбекской ССР. Издательство “Узбекистан”. –Т., 1973 г.
8. Файзиев И. Ўзбекистон янги шаҳарларининг аҳолиси. Ўзбекистон. –Тошкент. 1964 й.
9. Ўз МА, фонд, Р 1619, 11-рўйхат, 58-йигма жилд.
10. Материалы Всесоюзной переписи населения. Выпуск. I. Поселенные итоги. Ч. VII. 1926 г.
11. Материалы по районированию Туркестана. Выпуск II. –М.: 1928 г.
12. Всесоюзная перепись населения 1926 года. Том X. Узбекская ССР. – М.: 1928 г.
13. Ўз МА, фонд, Р 1619, 11-рўйхат, 59-йигма жилд.
14. Хасанов М.К. Деятельность В.И.Ленина и Советского правительства по социалистическому преобразованию и восстановлению хлопководства в период гражданской войны и первые годы НЭПа в Средней Азии (1918-1924 гг). Автореферат. Дис...канд...ист...наук. – Т.: 1985 й.

(Тақризчи: М.Исомиддинов – тарих фанлари доктори, профессор)